



Учинчи асос

“Ахлуссунна”нинг тақfir - бирорлар устидан “коғир” деб хукм чикаришга муносабати

Салаф солиҳ «ахлуссунна вал-жамоа» таъвил килгани ёки мажбурлангани учун (лекин, калби иймон билан хотиржам холда) куфр ишни килган кишини, коғир эканлигига хужжатни барпо килишдан аввал Ислом миллатидан чикармайдилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” хеч бир мусулмонни килган гунохи сабабли, гарчи у катта гунохлар бўлса-да, агар у ширкка етмаган бўлса, коғир хисобламайдилар. Бу гунохларни килган кишига коғир деб хукм килмайдилар. Балки, динда харом эканлиги маълум бўлган ишларни халол санамаган ёки уни тубдан инкор килмаган бўлса, унга фосик ва иймони камайган деб хукм киладилар. Аллоҳ таоло деди: **“Албатта, Аллоҳ таъоло Ўзига (бирон нарсанинг) шерик килинишини кечирмайди. Шундан бошқа гунохларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) ширк келтирса, бас, у буюк гунохни тўкиб чикарибди”** (Нисо: 48).

“(Эй Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар килиш билан) ўз жонларига жиноят килган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ барча гунохларини магфират килур. Албатта Унинг ўзигина Магфиратли, Мехрибондир.

(Зумар: 53)

Чунки аслида куфр касдан ёлгонга чикариш, кўнгилнинг бунга кувониши, калбнинг бу билан ором олиши ва дилнинг унга майл-ишиёвидир. Бехосдан, бекасдан кириб колган ширк ақидаларини



Ислом Нури

такфир бобида эътиборга олинмайди, айникса, билмасдан содир бўлган бўлса. Аллох таоло деди: **“Бирок, кимнинг кўнгли кофир бўлиш билан ёзилса...”** (Нахл: 106).

“Ахлуссунна вал-жамоа” Куръон са суннатдан кофир эканига далил бўлмаган кишини кофир хисобламайдилар. Агар у шу холда вафот этса, унинг иши Аллохга хаволадир: хохласа жазолайди, хохласа кечиради, — деб эътиқод киладилар. Бу эътиқод катта гунохларни килган кишиларга кофир дегувчи, ёки уларни иймон ва куфр ўртасидаги бир макомда деб эътиқод килган, адашган тоифаларга хилофдир.

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам бундан огохлантириб дедилар: “Ким ўз биродарига: “Эй кофир!” деса у иккисининг бири кофир бўлади. Агар у (биринчиси)нинг айтгани тўгри бўлса (иккинчиси кофир бўлади). Бўлмаса айтилган сўз (кофир деган кишининг) ўзига кайтади” (И мом Бухорий ривояти).

“Бир киши (бошка) бир кишини “кофир” деб чакирса ёки “Аллохнинг душмани” деб айтса ва у ундей бўлмаса айтган сўзлари ўзига кайтади” (И мом Муслим ривояти).

“Бир киши бошка бирорни фосиклик ва куфр билан айбласа. Агар у кофир ёки фосик бўлмаса айтган сўзи ўзига кайтади” (И мом Бухорий ривояти).

“Мўъминни кофирлик билан айблаган киши(нинг гунохи) уни ўлдириш кабидир” (И мом Бухорий ривояти).

“Киши ўз биродарига: “Эй кофир!”— деса, улардан бири кофир



Ислом Нури

бўлади” (Имом Бухорий ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа” бидъатчилар устидан гунохкорлик ёки кофирик билан мутлак хукм килиш билан, Исломни кабул килгани аник бўлган, бирок, бирон бир бидъатни килган муайян киши устидан осий ё фосик ёки кофир деб хукм чикариш ўртасини ажратадилар. Улар бу одамга хакикатни баён ва хужжатни барпо килиб, шубхаларни йўкотмагунларича бирон бир хукм чикармайдилар. Улар муайян шахсга качонки унда шартлар тўла хосил бўлса ва монеъликлар йўқ бўлсагина хукм чикарадилар.

Абу Хурайра разияллоху анху расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ушбу хадисни эшитганини ривоят килди: “Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Бану Исроилда икки дўст бор эди. Уларнинг бири гунох килар, иккинчиси эса ибодатда мужтахидтиришкок эди. Мужтахид доимо дўстини гунох устида кўрар ва: “Бас кил!”— дер эди. Мужтахид дўстини кунларнинг бирида яна гунох устида учратди ва: “Бас кил!”— деди. Дўсти: “Мени роббим билан холи кўй. Сен менинг устимдан назоратчи килиб юборилганмисан”— деди. Мужтахид: “Аллох номига онт ичиб айтаманки, Аллох сени кечирмайди (ёки Аллох сени жаннатга киритмайди)”— деди. У иккисининг жонлари олинди ва Роббул-Оламийн хузурида жам бўлдилар. Аллох таоло мужтахидга: “Сен мени кимлигимни билармидинг?! Ёки Менинг кўлимдаги нарсага кодирмидинг”— деди. Гунохкорга: “Сен менинг раҳматим билан жаннатга кир”— деди. Бошкаси (мужтахид)га эса: “Буни жаханнамга олиб боринглар”— деб айтди”.

Абу Хурайра разияллоху анху: “жоним кўлида бўлган зотга касамки, у (мужтахид) ўзининг дунё ва охиратини куйдириб ташлайдиган сўзни



Ислом Нури

айтган эди”— деди. (Шайх Албоний: “Сахиху Сунани Аби Довуд”).

Куфр иймоннинг зидди бўлсада, шариат тилида икки маънода келади. Баъзида оят-хадисларда келган “куфр” сўзидан Ислом миллатидан чикарадиган, баъзида эса Ислом миллатидан чикармайдиган маънолар назарда тутилади. Чунки иймон каби куфрнинг хам тармоклари (шохлари) кўпдир. Зеро, куфр кўплаб асослар ва тармокларга эга бўлиб, уларнинг баъзилари (хакикий) куфрга диндан чикишга сабаб бўлса, баъзилари кофиirlар хислатларидандир.

Биринчи: Ислом миллатидан чикарадиган катта куфр. Уни “эътиқодий куфр” деб аталади.

Бу куфр иймонга зид бўлиб Исломни бузади ва исломнинг мухим асосларини инкор этиш, демакдир. У жаҳаннамда мангу колишни такозо этувчи ва иймондан чикарувчи бўлиб, эътиқод, сўз ва амал билан хосил бўлади хамда куйидаги беш турга чекланади:

1 — ёлгонга чикариш куфри.

Бу эътиқод — пайгамбарларни ёлгончи деб ёки пайгамбар ноҳакликни олиб келган деб, ёки Аллоҳ халол килган нарсани унинг амри ва нахйиси бунинг акси эканини била туриб харом, харом килган нарсани халол килди деб даъво килиш.

2 — тасдиклаш билан бирга бош тортиш ва кибр куфри.

Яъни расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам олиб келган нарсалар роббиси томондан ҳак деб икрор бўлади бирок ҳак ахлини менсимаслик ва мутакаббирлик билан унга эргашишни тарқ этади. Бу Иблиснинг кофиirlигига ўхшайди. Чунки у Аллоҳ таолонинг амрини



Ислом Нури

инкор этмади. Балки, у, амрни бош тортиш ва кибрланиш билан каршилади.

3 — воз кечиш куфри.

Бу — кулок ва калби билан пайгамбардан воз кечиш: пайгамбарни тасдикламаслик, рад этмаслик, унга кулок солмаслик, хакни тарк килиш: уни ўрганмаслик, унга амал килмаслик ва хак зикр килинган жойлардан кочиш.

4 — нифок (мунофиклик) куфри.

Росулуллох саллаллоху алайхи ва саллам келтирган нарсаларни калб билан инкор этиб, зохирда уларга эргашган килиб кўрсатиш. Демак, у росулуллох саллаллоху алайхи ва салламга иймон келтирганликни кўрсатувчи, куфрни ичда бекитувчи кимсадир.

5 — шак куфри.

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг ростгўими ёки ёлгончими? деб шубхаланиб, унга эргашишда иккиланиш. Зеро, иймоннинг шарти расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг Аллох таоло тарафидан олиб келган барча хабарлари шубхасиз рост деб аник ишониш. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам олиб келган хабарларга эргашишда иккиланган ёки хак бунинг тескариси бўлиши хам мумкин деб хисоблаган киши шак ва гумон куфри билан кофир бўлибди.

Куфрнинг бу турлари — агар сохиби шу холатларда вафот этса — дўзахда абадий колишга сабаб ва барча яхши амалларнинг бехуда кетишига босидир. Аллох таоло деди: **“Албатта, ахли китобдан ва**



Ислом Нури

мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаханнам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу колурлар! Ана ўшалар энг ёмон маҳлукдирлар". (Байина: 6)

“(Касамки), агар ширк келтирсанг, албатта, килган амалинг бехуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб колурсан” (Зумар: 65).

Иккинчи: Ислом миллатидан чикармайдиган кичик куфр, уни амалий куфр хам дейилади:

Аллоҳ таоло баъзи гунохларга таҳдид ва кайтариш тарикасида «куфр» сўзини ишлатди. Бу гунохлар — катта гунохлардан бўлиб дўзахда абадий бўлмай азобланишга сабабчидир.

Бунга барча катта гунохлар киради. Буларга куфр сўзи ишлатилгани улар куфр хислатлари бўлгани учундир. Бу куфр иймоннинг зидди бўлган куфр эмасдир. Бунинг мисоллари куйидагиларга ўхшайди: мусулмонни ўлдириш, Аллоҳ таолодан бошканинг номи билан онт ичиш, инкор этиб эмас, балки, жазо олишга лойик эканини билиб Аллоҳ нозил килмаган нарсалар билан хукм килиш, фолбинларга бориш ва уларни тасдиклаш, ўз хотини билан бесоколбозлик килиш, мўъминнинг мўъмин дўстига “кофир” деб айтиши ва бошка кичик куфр турлари. Аллоҳ таоло деди: **“(Эй мўъминлар) агар мўъминлардан бўлган икки тоифа (бир-бирлари билан) урушиб колсалар, дархол сизлар уларнинг ўртасини ўнглаб кўйинглар!”** (Хужурот: 9).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Мусулмонни сўкиш фосиклик ва унга карши уруш килиш куфрдир” (Муттафакун алайҳ —



Ислом Нури

хадиснинг сахих эканига Имом Бухорий ва Имом Муслим иттифок килганлар).

“Мендан сўнг бир-бирингизни ўлдирадиган кофир бўлиб кетманглар!” (Муттафакун алайх).

“Аллоҳдан бошкаси (нинг номи) билан онт ичган киши мушрик ёки кофир бўлибди” (Албоний: “Сахиху Сунани Аби Довуд”).

“Зоний зиносини, ўгри ўғирлигини, арокхўр арок ичишини мўъмин бўлиб килмайди. Тавба килиш (имконияти у ишларни килганидан сўнг) хам хамон мавжуд”. (Муттафакун алайх).

Тўртинчи асос:

Мукофот ва жазолар хакидаги хабарларга иймон келтириш

Салаф солиҳ — “аҳлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан бири мукофот ва жазолар хакида келган хабарларга иймон келтиришdir.

“Аҳлуссунна вал-жамоа” банданинг килган амалларига берилажак мукофот ва жазолар хакида келган хабарларни кандай келган бўлса шундай кабул килиб таъвилсиз тушунадилар хамда мукофот ва жазолар хакида келган хабарларни таъвил ва чекловларсиз ўз кучида колдирадилар. Аллоҳ таоло деди: **“Албатта, Аллоҳ таъоло Ўзига (бирон нарсанинг) шерик килинишини кечирмайди. Шундан бошка гунохларни Ўзи хохлаган кишилар учун кечиур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) ширк келтирса, бас, у буюк гунохни тўкиб чикарибди”** (Нисо: 48 ва 116).



Ислом Нури

Улар: “Бандаларнинг окибати номаълум ва хеч ким ўз хотимасини билмайди”— деб эътиқод киладилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Бир киши одамлар назарида жаннат ахлиниңг амалини килади. Холбуки у жаҳаннам ахлидандир. Бир киши эса одамлар назарида жаҳаннам ахлиниңг амалини килади. Холбуки у жаннат ахлидандир”. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

“Сизлардан бирингиз жаннат ахлиниңг амалларини килади ҳатто у билан жаннат ўртасида бир газгина (масофа) колади. Бироқ, Китоб (Лавхул-Махфуз)да ёзилгани голиб келиб у жаҳаннам ахлиниңг амалини килади-да, жаҳаннамга киради. Сизлардан бирингиз жаҳаннам ахлиниңг амалини килади ҳатто у билан жаҳаннам ўртасида бир газгина (масофа) колади. Бироқ, Китобда ёзилгани голиб келиб у жаннат ахлиниңг амалини килади ва жаннатга киради” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Бироқ “Ахлуссунна вал-жамоа” зоҳиран Исломда ўлган (мўъмин ва такволи) кишиларни умумий равишда: “Иншааллоҳ жаннат ахларидан бўладилар” деб гувоҳлик берадилар. Аллоҳ таоло деди: **“Иймон келтириб, яхши амаллар килган зотларга хушхабар берингки, улар учун осталаридан дарёлар окиб турувчи жаннатлар бор! ...”** (Бакара: 25).

“Албатта, такводор зотлар жаннатларда ва дарёлар (усти)да, Кодир Подшоҳ хузуридаги рози бўлинган ўринда бўлурлар.”
(Камар: 54, 55).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки ўлаётганда



Ислом Нури

Аллоҳдан ўзга хак маъбуд йўқ эканини эътиқод килиб вафот этса жаннатга киради”— дедилар (Имом Муслим ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Кофирлар, мушриклар ва мунофилар жаханнам ахлидирлар”— деб гувоҳлик берадилар. Аллоҳ таоло деди: **“Аммо ўzlари кофир бўлишиб, Бизнинг оятларимизни ёлгон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий колажаклар”** (Бакара: 39).

“Албатта, ахли китобдан ва мушриклардан бўлган кофир кимсалар жаханнам ўтида бўлиб, ўша жойда мангу колурлар! Ана ўшалар энг ёмон маҳлукдирлар”. (Байина: 6).

“Албатта, мунофилар жаханнамнинг энг тубида (бўлур)лар” (Нисо: 145).

“Ахлуссунна вал-жамоа” расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам жаннатга киришлари хакида башорат берган барча кишилар, шу жумладан, ўн кишининг жаннатга киришлари хакида гувоҳлик берадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: “Абу Бакр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Алий жаннатда, Талха жаннатда, Зубайр жаннатда, Абдураҳмон ибн Авф жаннатда, Саъд ибн Аби Ваккос жаннатда, Сайд ибн Зайд жаннатда ва Абу Убайда ибн Жарроҳ жаннатдадир” (Шайх Албоний: “Саҳиҳу Сунани Аби Довуд”).

Бундан ташкири улар, Уккоша ибн Мехсан, Абдуллоҳ ибн Салом, Ёсир оиласи, Билол ибн Рабоҳ, Жаъфар ибн Аби Толиб, Амр ибн Собит, Зайд ибн Хориса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Фотима бинт расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам, Хадижа бинт Хувайлид, Оиша, Софийя, Хафса,



Ислом Нури

расулуллохнинг барча аёллари ва бошка кўплаб сахобаларнинг жаннатга киришларига гувохлик берадилар (юкорида номи ўтган сахобаларнинг барчаларидан Оллох рози бўлсин).

Ахлуссунна вал жамоа жаханнам ахлидан эканига хабар берилган Абу Лахаб ибн Абдулмутталиб, унинг хотини Умму Жамил Арво бинт Харб ва бошка хакларида шундай хабар келган кофирларнинг жаханнам ахлидан эканликларига гувохлик берадилар.

“Ахлуссунна вал-жамоа” расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хабар берган муайян шахслардан бошка бирон киши хакида жаннат ёки жаханнам ахлидан эканига катъий сўзни айтмайдилар. (Балки, яхши амалларни килган киши учун яхшиликтин умид киладилар ва ёмонлик килган кишилар учун жазодан кўркадилар).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Килган амаллари хар канча гўзал бўлмасин, Аллох таоло ўз раҳмати билан ўрамаса, жаннат хеч кимга насиб бўлмайди”— деб эътиқод киладилар.

Аллох таоло деди: **“Агар сизларга Аллохнинг фазлу марҳамати бўлмаса эди, хеч качон сизлардан бирон киши (бирон гуноҳдан) пок бўлмаса эди. Лекин Аллох (фазлу марҳамати билан) Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллох Эшитгувчи, Билгувчиидир”** (Нур: 21).

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Килган амали хеч бир кишини жаннатга олиб кира олмайди”— дедилар. Сахобалар: “Сизни хамми”— деб сўраганларида расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Аллох раҳмати билан ўрамаса, мен хам”— деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).



Ислом Нури

“Ахлуссунна вал-жамоа” азобланиши баён килинган гунохларни килган кишиларга Аллохнинг азоби вожиб бўлади, демайдилар. Балки, гоҳо Аллоҳ таоло бу гунохларни килган кишиларга кейинрок килган тоат-ибодатлари, тавбалари ёки каффорот бўлувчи мусибат ва хасталиклар сабабли кечириши мумкин. Аллоҳ таоло деди: “(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳкор бандаларимга) айтинг: “Эй, ўз жонларига жабр килган бандаларим, Аллохнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ барча гуноҳларни Магфират килур. Албатта Унинг Ўзигина Магфиратли, Мехрибондир” (Зумар: 53).

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Бир киши йўлда кета туриб йўлда ётган тиканли дарахт шохини четга олиб ташлади. Аллоҳ унга шукр килди ва уни(нг гуноҳларини) кечирди” (Ином Бухорий ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Хар бир маҳлукнинг ўз ажали бор ва Аллохнинг китобида ёзилган муддатда Аллохнинг изни билангина ўлади. Ажаллари етгач (ўлим) бирон лахза эрта ёки кеч колмайди. Ўлиши ёки ўлдирилиши унинг ёзиб кўйилган ажалининг нихоясидир”— деб эътиқод киладилар. Аллоҳ таоло деди: “**Хар бир жон факт Аллохнинг изни билан, аник белгилаб-ёзиб кўйилган муддатда ўлади**” (Оли Имрон: 145).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Аллоҳ таолонинг мўъминларни жаннат билан мукофотлаши, осий муваххидлар, кофир ва мунофикаларни жаҳаннам билан жазолаши хақ, Аллоҳ таоло ўз ваъдасига хилоф килмайди”— деб эътиқод киладилар. Аллоҳ таоло деди: “**Иймон келтириб, яхши амалларни килган зотларни эса остидан дарёлар окиб турадиган жаннатларга киритажакмиз — улар у**



Ислом Нури

ерда абадий яшарлар. Бу Аллохнинг хак ваъдасидир. Аллохдан кўра ростгўйрок ким бор?!” (Нисо: 122).

Аллоҳ таоло осий муваххидларни ўз фазли ва қарами билан афв этади. Холбуки, Аллоҳ таоло муваххидларни афв этиш ва бошкаларни афв этмасликка ваъда берди: **“Албатта, Аллоҳ таъоло Ўзига (бирон нарсанинг) шерик килинишини кечирмайди. Шундан бошка гуноҳларни Ўзи хоҳлаган кишилар учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирор кимса ёки нарсани) ширк келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўкиб чикарибди”** (Нисо: 48. 116).

Бешинчи асос:

“Аҳлуссунна вал-жамоа” эътиқодида дўстлашув ва душманлашув масаласи

Салаф солиҳ — “аҳлуссунна вал-жамоа” эътиқодининг асосларидан бири Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўришdir. Яъни мўъминларни севиш ва уларни дўст хисоблаш хамда мушрик ва кофирларни ёмон кўриш ва улардан безор бўлишdir. Аллоҳ таоло деди: **“Мўъмин ва мўъминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан кайтарадилар...”** (Тавба: 71).

“Мўъминлар, мўъминларни кўйиб кофирларни дўст тутмасинлар! Ким шундай килса, бас, Аллоҳ томонидан хеч нарсада эмас. (яъни Аллоҳдан бегонадир). Магар улардан эҳтиёт бўлиб турсаларингиз (юзаки муомала килсангиз жоиздир), Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ килур. Ва факат Аллоҳга кайтажаксиз.” (Оли Имрон: 28).



Ислом Нури

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Дўстлашув ва душманлашув акидаси энг мухим асослардан бўлиб, шариатда унинг жуда катта ўрни бор”— деб эътиқод киладилар ва у куйидаги жихатлардан яккол равshan бўлади.

Биринчидан: Дўстлашув ва душманлашув “Ла илаха иллаллох” (Аллохдан ўзга (хак) илох йўқ” деб гувохлик беришнинг бир жузъидир. Бу гувохликнинг маъноси сигинилаётган Аллох таолодан бошка барча маъбудлардан безорликдир. Аллох таоло деди: “...**Аллохга ибодат килинглар ва тогут (Аллохдан ўзга, шайтон ва барча сигиниладиган нарсалар)дан узок бўлинглар!**” (Нахл: 36).

Иккинчидан: Дўстлашув ва душманлашув иймоннинг энг мустахкам асосларидан биридир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Иймон халкаларининг энг мустахками — Аллох учун дўстлашиш ва Аллох учун душман бўлиш, Аллох йўлида яхши кўриш ва Аллох йўлида ёмон кўришдир” (Шайх Албоний: “Сисилатул—ахадисус-саҳиха”: 998).

Учинчидан: Аллох учун дўст ва душман бўлиш калбнинг иймон халовати ва лаззатини тотиши учун сабабдир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “(Ўзида) уч нарса бўлган кимса иймон халоватини тотибди: Аллох ва унинг расули унга бошкалардан кўра севимлирок бўлса, бирон кишини Аллох учун яхши кўрса хамда куфрга кайтишни Аллох кутказганидан сўнг, жаханнамга ташланишни ёқтирганидек ёқтирмаса” (Муттафакун алайх).

Тўртинчидан: Дўстлашув ва душманлашув акидасини хосил килиш билан иймон комил бўлади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: “Аллох учун яхши кўрган, Аллох учун ёмон кўрган, Аллох учун берган ва Аллох учун ман килган киши иймонни комил килибди”



Ислом Нури

(Шайх Албоний: “Сахиху Сунани Аби Довуд”).

Бешинчидан: Аллоҳ ва унинг динидан бошкани яхши кўрган хамда Аллоҳни, Аллоҳнинг динини ва шу динни кабул килган кишиларни ёмон кўрган киши коғир бўлади. Аллоҳ таоло деди: “**Айтинг: «Ўзи ризкланмай – таомланмай (барчани) таомлантирадиган, осмонлар ва ернинг яратгувчиси бўлган Оллоҳдан ўзгани дўст тутайми?!**” Айтинг: “**Албатта мен Оллоҳга бўйинсунгувчи кишиларнинг аввалгиси бўлишга маъмурман (амр килинганман)**”. Харгиз мушриклардан бўлманг!” (Анъом: 14).

Олтинчидан: Дўстлашув ва душманлашув — акидаси шундай алокадирки бунинг асосида мусулмон жамияти коим бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: “Сизларнинг бирингиз дўсти учун ўзи учун яхши кўрган нарсани яхши кўрмагунича (комил) мўъмин бўла олмайди” (Имом Бухорий ривояти).

“Ахлуссунна вал-жамоа”: Дўстлашув ва душманлашув акидаси фарздир. Балки, у “Ла илаха иллаллоҳ” деб гувоҳлик беришнинг шартларидан бири ва иймон хамда акида асосларининг каттаси бўлиб, мусулмон уни риоя килиши керак”— деб эътиқод киладилар.

Бу асосни таъкидлаб кўплаб хабарлар келган. Шулардан бири Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзлари: (Эй Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва саллам), **айтинг: “Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, кариндош-уругларингиз ва касб килиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб колишидан кўркадиган тижоратингиз хамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, унинг пайгамбаридан ва Унинг Йўлида жиход килишдан суюклироқ бўлса, у холда то**



Ислом Нури

Оллох ўз амрини (яъни, азобини) келтиргунича кутиб тураверинглар!” (Тавба: 24).

“Эй, иймон келтирганлар, Менинг хам душманим, сизларнинг хам душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (хакида хат-хабар) юборурсизлар,...”
(Мумтахана: 1).

“Ахлуссунна вал-жамоа” дўстлашув ва душманлашув тўгрисида одамларни уч кисмга бўладилар:

Биринчи кисм: Мутлак дўстлашувга лойик одамлар.

Улар — Аллох ва Аллохнинг расули Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва салламга иймон келтирган хамда дин маросимларини Аллох учун холис килган кишилардир. Аллох таоло деди: **“Сизларнинг дўстингиз факат Оллох, Унинг пайгамбари ва таъзим-тавозе килган холларида намозни тўкис адo этадиган, закотни (хакдорларга) берадиган мўъминлардир. Кимки Оллохни, Унинг пайгамбарини ва мўъминларни дўст тутса (нажот топгай), зеро, факат Оллохнинг хизби (гурухи)гина голиб бўлгувчидир.”**
(Моида: 55, 56).

Иккинчи кисм: Бир жихатдан дўстлик ва бир жихатдан душманликка лойик бўлган одамлар.

Улар — баъзи фарзларга эътиборсизлик билан карайдиган ва куфрга олиб бормайдиган харом ишларни килган осий мусулмонлардир. Уларга насиҳат килиш, килган ишларини сукут килмай инкор этиш, амр-маъруф, нахий-мункар килиш, гунохларни килмасликлари ва



Ислом Нури

тавба этишлари учун жазо ва таъзирлар бериш керак. Зоро, шароб ичгани учун бундан аввал хам таъзирланган Абдуллоҳ — уни Химор деб лакабланарди — номли сахоба ичиб олгани учун яна таъзирга олиб келинганида сахобаларнинг бири уни лаънатлади, шунда расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: “уни лаънат килманглар! у Аллоҳ ва расулини яхши кўради”— дедилар (Имом Бухорий ривояти). Бирок, унга Аллоҳнинг белгилаган жазосини ижро этдилар.

Учинчи кисм: Улардан мутлак безор бўлишга лойик бўлган одамлар.

Улар — мушрик, яхудий, насроний, мажусий ва барча кофирлар. Бундан ташкари бу хукм остига Аллоҳ таолодан бошкаси учун дуо ва таваккул килган, ундан бошкадан ёрдам сўраган, Аллоҳни, Аллоҳнинг расули ва динини хакорат килган, динни «хозирги асрга ярамайди» деган тушунча билан хаётдан ажратган (хужжат барпо килинсада) мусулмонликни даъво килган кишилар хам киради. Мусулмонлар бундай кишилар билан жиход килишлари, тазик кўрсатишлари ва уларни ер юзида фасод ёйишларига йўл бермасликлари керак.

Аллоҳ таоло деди: **“Эй пайгамбар (саллаллоҳу алайхи ва саллам), кофир ва мунофикарга карши жиход килинг ва уларга каттиккўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаханнамдир! Накадар ёмон окибат бу!”** (Таҳрим: 9).

“(Эй Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва саллам), Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирадиган кавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига мухолифлик килувчилар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўгиллари, ёки ога-инилари, ёки кариндош-уруглари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз.” (Мужода: 22).



Ислом Нури

“Ахлуссунна вал-жамоа”: “Аллоҳ учун дўст бўлишнинг рўёбга чикиши керак бўлган хукуклари бор” – деб эътиқод киладилар.
Улар:

Биринчи: Кофирлар диёридан мусулмонлар диёрига хижрат килиш.

Шаръий сабаблар билан хижрат килишга кодир бўлмаган ва заиф кишилар бундан мустасно.

Иккинчи: Мусулмонларга жони, моли ва тили билан ёрдам бериш хамда уларнинг кувонч ва кайгуларига шерик бўлиш.

Учинчи: Ўзи учун яхши кўрган яхшилик ва ёмонликни даф этишини мусулмонлар учун хам севиш, уларни масхара килмаслик. Уларни севишга, улар билан бирга ўтиришга ва маслаҳатлашишга интилиш.

Тўртинчи: Беморни бориб кўриш, жанозаларда иштирок этиш, мусулмонларга меҳрибон бўлиш, улар учун дуюю истигфорлар килиш, уларга салом бериш, муомалаларда хиёнат килмаслик ва уларнинг молларини ноҳак емаслик каби хукукларини адо этиш.

Бешинчи: Мусулмонлар ичида жосуслик килиб, уларнинг хабарлари ва сирларини душманларга етказмаслик. Мусулмонлар ўртасини ислоҳ килиш ва уларга озор бермаслик.

Олтинчи: Мусулмонлар жамоатига кўшилиш, улардан ажралмаслик, улар билан такво, эзгулик, яхшиликка буюриш ва ёмонликдан кайтариш (амр-маъруф ва нахий-мункар) ишларида хамкор бўлиш.

“Ахлуссунна вал-жамоа”: Аллоҳ йўлида душман бўлиш куйидаги нарсаларни такозо килади – деб эътиқод киладилар.



Ислом Нури

Биринчи: Ширк, куфр ва унинг ахлини ёмон кўриш ва уларга нисбатан калбда адоват саклаш.

Иккинчи: Кофирлар билан дўстлашмаслик, уларни яхши кўрмаслик, улардан гарчи якин кариндошлари бўлса-да, тўлик ажралиш.

Учинчи: Куфр диёрини тарк этиш ва куфр диёрига Ислом анъаналарини изхор этишга кудрати етсагина сафар килиш, бўлмаса сафар килмаслик.

Тўртинчи: Кофирларга диний — яъни, уларнинг диний маросимлари, анъаналари — ва дунёвий — яъни, ейиш тарзи, ичиш, кийиниш каби одатлар — уларга хос бўлган ва мусулмонлар ичida одат бўлиб таркалмаган нарсаларда ўхшамаслик (таклид килмаслик). Чунки, бу ишлар одамнинг калбida дўстлик ва муhabbatni вужудга келтиради. Калбаги муhabbat эса ташки киёфада ўхшашликни келтириб чикаради.

Бешинчи: Кофирлар билан ўзаро кўмаклашмаслик, кофирларга мусулмонларга карши ёрдам бермаслик, уларга мойил бўлмаслик, мухим вазифаларни топширмаслик, уларни мактамаслик, сирдош тутмаслик, уларнинг сухбатлари ва мажлисларини тарк килиш.

Олтинчи: Кофирларнинг байрам ва кувончларига шерик бўлмаслик ва бу байрамлар билан табрик этмаслик. Кофирларга “сайид” ёки “мавло” дея улуглаб хитоб этмаслик.

Еттинчи: Кофирлар учун истиғфор айтмаслик ва Аллоҳ таолодан уларга раҳмат сўрамаслик.

Саккизинчи: Кофирлар билан Ислом дини заарига муросали



бўлмаслик.

Тўккизинчи: Хукмлашиш учун кофирларга мурожаат этмаслик ёки уларнинг хукмларига рози бўлмаслик. Кофирларнинг хошиш ва амалларига эргашмаслик. Чунки кофирларга эргашиш Аллоҳ ва расулининг хукмларини тарк этишни такозо килади.

Ўнинчи: Кофирларга Ислом саломи “Ассалому алайкум”ни айтмаслик. (Агар улар «ассаламу алайкум» десалар «яхшимисиз» каби бошқа сўзлар билан жавоб килиш. Тахририятдан)

- “Мусулмонлиги аник бўлган кимсани шубҳалар билан Исломдан чикарилмайди”. Бу салафларнинг коидаси бўлиб, салаф солих бу коидага риоя килган. Улар одамларни кофирга чикаришдан жуда хам узоқ бўлганлар. Шунинг учун хам, Алий ибн Аби Толиб разияллоҳу анхудан Нахравон ахолиси хакида: “улар кофирми”— деб сўралганида: “Йўқ, улар куфрдан кочдилар”— деб жавоб бергани, “улар мунофикми”— деб сўралганида: “Мунофиклар Аллоҳни оз зикр киладилар. Улар эса Аллоҳни эртаю кеч зикр киладилар. Улар бизнинг биродарларимиз фактат, улар бизга боскинчилик килдилар”— деб жавоб берганлиги ривоят килинган (Байҳакий: “ас-Сунанул-Кубро”: 8/ 173).

Биз куфр хукмини беришда тур билан муайянлик тушунчасини ажратишимиз ўта зарурдир. Чунки бир иш куфр бўлиб у билан муайян шахс устидан кофир хукмини чикарилмайди. Демак, бир сўзни куфр деб хукм килиш билан, шу сўзни айтган киши устидан айнан кофир деб хукм чикариш ўртасини ажратиш керак. Масалан: “Аллоҳ хар ерда, Аллоҳнинг сўзлари маҳлукдир” дейиш ёки Аллоҳ таолонинг



Ислом Нури

сифатларидан бирини инкор этиш куфр бўлади. Бу хукм тур ва айтилган сўз учун килинган хукм бобидандир. Аммо иш муайян шахсга тааллукли бўлса, (яъни, масалан у мазкур сўзлардан бирини айтса) ундан сўраб-суриширилмагунича кофир хукми берилмайди. Чунки у бу хакида ривоят килинган хадисни билмаган, ёки уни ўзи таъвил килган, ёки оят-хадисларни тушунмаган, ёки умуман жохил бўлиши мумкин. Агар текширишдан сўнг шубхалар кўтарилиб унинг устига хужжатлар барпо бўлса, энди хукм чикариш мумкин. Чунки таъвил килган киши билан жохилнинг хукми кўр-кўrona карши ва фожирнинг хукми каби эмасдир.

Шайхулислом Ибн Таймийя раЖимахуллоҳ: “жохил таъвилчи ва узрли кишининг хукми ўжар ва фожирнинг хукми каби эмасдир. Балки, Аллоҳ таоло барча нарса учун ўзига хос меъёр кўйгандир”— деди (“Мажмуатур-расоил вал-масоил”: 3/ 72).

Бу маълум бўлса, у каби муайян жохилларга килган ишлари расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламга хилоф эканини баён килган мактубни йўллаб, айтган сўзларининг куфр эканини тушунирилиб, хужжатни барпо килинганидан сўнггина “кофир” дея хукм чикариш, ундан аввал эса хар кандай хукмни чикаришга шошилмаслик керак” (Мажмуатур-расоил вал- масайл”).

Бу сўзлардан сўнг жохил бўлган муайян киши ва у каби кишилар устидан хужжатни барпо килинганидан сўнггина кофир хукмии чикариш мумкин эканини билган бўлсангиз керак. Хужжат эса улар тушунишлари учун уларнинг аклларига мос бўлиши керак.

Хуллас, “Ижмоъ билан куфр”— деб айтилган сўз мутлак айтилган сўздир. У билан такфир шартлари событ, монеъликлари йўқ



Ислом Нури

бўлмагунича муайян кишилар устидан кофир хукми берилмайди. Олимларнинг ахли киблани куфрга хуки килмасликлари килган бидъатлари кофир килмайдиган кишиларгагина татбик килинади. Чунки уламоларнинг барчаси кофир киладиган бидъатларни килган кишиларнинг кофир эканликларига иттифок килганлар.

Нифок (мунофоклик) икки кисмдир. эътиқод ва амал нифоки.

а) эътиқод нифоки ёки катта нифок.

Бу нифокни килган одам калбида куфрни яшириб, тили ва аъзоларида иймонни изхор килади. Бундай нифок сохиби дўзахнинг энг пастки табака ахлидандир. У Аллоҳ таоло юборган ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган барча ёки баъзи нарсаларни рад этади. Ёки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган диннинг голиб бўлишини ёктирумайди.... ва бошқа куфр ишларни килади.

б) амал нифоки ёки кичик нифок.

Бу нифокда амал шариатга хилоф ўларок бўлади. Уни килган киши Ислом миллатидан чикмайди. Масалан: ёлгон сўзлайди, ваъдасига хилоф ва омонатга хиёнат килади, ахдида турмайди ва жанжал килса хакоратли сўзларни айтади).

Шунинг учун хам, ўлган киши учун “мархум” (рахм килинган) ёки “магфурун лах” (гунохлари кечирилган) каби сўзларни истеъмол килиш жоиз эмас. Чунки бу сўзлар майит учун килиниши кеарк бўлган дуолардан эмас. Балки, бу сўзлар катъий ва Аллоҳ таоло учун билмай айтилган сўзлардир. Бу сўзларнинг маъноси майитга раҳмат ва магфиратнинг берилганини ифодалайди. Тўгриси эса майитни



Ислом Нури

тилга олингандага унинг хаккига магфират ва кечиришни сўраб Аллох таолога: “Аллох таоло уни кечирсан”, “Аллох таоло уни раҳмат килсан” деб дуо килишдир. Шунингдек, ўлдирилган ёки ўлган кишиларни “шахид” деб хам аталмайди. Чунки ўлган одамнинг ниятини Аллох таолонинг ўзи билади. Тўгриси эса: “Биз Аллох таолодан у учун шахидликни насиб этишини сўраймиз. У, иншааллох, шахид бўлиб кетган деб гумон киламиз ва хеч бир кишини Аллох таоло учун окламаймиз”— деб айтишликдир. Чунки бу сўзлар катъий айтилган сўзлар эмас, балки, дуодир. Катъий сўзларни айтиш эса юкорида айтиб ўтганимиздек Аллох таолога билмай сўзларни айтиш, демакдир.

Банданинг Оллохга шукри Оллох берган неъматларни Унга тоат килишда сарфлаши ёки шу неъматлардан тўгри ўринларда фойдаланмоги. Оллохнинг бандага шукрининг маъноси оз амал Унинг хузурида ўсиши ва Оллох бу амални килувчига савобни кўш-кўш килиб бериши. (Ал Мавсуатул -фикхийя) (изоҳ таҳририятдан)

«Дўстлашиш» араб тилида “ал-муволот” дейилади. Унинг маъноси эса “яхши кўрмок, севмок”, демакдир. Бирорни ўзингиз бошлаб, ундан эваз кутмай яхши кўришингиз араб тилида «муволот»дир «авлайтуху» «волайтуху» уни яхши кўрдим деган сўзлар шу ўзакдан олинган. «Вилоят» сўзи «Адоват» сўзининг зидди бўлиб дўстлашув дегани. Хуллас, «муволот» ёки «валоъ» сўзи мухаббат, ёрдам, эргашиш маъноларини англатиб бир нарсага якинликни билдиради.

«Одо – юодий» феълининг масдари «муодотун» сўзи ва «адоун» «адоватун» сўзлари душманлашув ва узоклашув маъносидадир. Адоват зарар бериш ёки интиком олиш максадида инсон калбига ўрнашган туйгудир. Душман дўстнинг зиддидир. Хуллас, “ал-муодот” — бир-



Ислом Нури

биридан узоклашиш ва ихтилоф килиш, демакдир ва “ал-муволот” нинг зиддидир.

“ал-Муволот” ва “ал-Муодот” (дўст ва душман бўлмок)нинг шариатдаги истеъмоли.

“Дўстлик”нинг асоси мухаббатdir. “Душманлик”нинг асоси нафратdir. Бу иккисидан калб ва аъзоларнинг амалларидан бўлмиш дўстлик ва душманлик хакикати ичига кирувчи ёрдам бериш, жиход ва хижрат каби нарсалар вужудга келади. Демак, дўстлашиш бир нарсага сўзлашув ёки феъл ёхуд ният оркали якинлашишdir.

Душманлашув эса унинг зиддидир. Шу ердан, бу – икки: лугавий ва шаръий маънолар ўртасида фарқ йўқ экани, Аллоҳ таоло мўъминларга мўъминларни тўла дўст тутиш ва кофирларни тўла душман тутишни фарз килгани ва мўминларни тўла дўст тутиш факат кофирлардан тўла безор бўлиш билан хосил бўлиши яъни иккиси бир-бирини лозим тутган нарсалар экани маълум бўлади.